

ХАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ОНГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

*Ergashev Elyor Urdushevich,
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi
Universiteti mustaqil izlanuvchisi*

Аннотация: ушбу мақолада ҳарбий хизматчиларни касбий онгини ривожлантириш орқали профессионаллаштириш учун касбий ўзини ўзи англаш зарурлигини, касбий ўзини ўзи англаш ҳарбий хизматчининг касбий онгини бир қисми сифатида тавсифланиши ҳамда бу касбий хусусиятлар билан бир қаторда индивидуал хусусиятларни уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: касбий онг, фаолият, таълим тизими, касбий ўсиш, шахсий хусусиятлар, рефлексли таҳлил, профессионал.

Янги Ўзбекистон таълим жараёни субъектларига аниқ талабларни қўймоқда, улардан бири “замон билан ҳамнафас бўлиш”, бу таълим парадигмасининг ўзгариши билан боғлиқ. Ҳарбий педагоглардаги илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳарбий хизматчиларни таълим тизимига мослашиш қийин жараён шунинг учун уларнинг касбий фаолиятида муваффақиятга эришиш кўп куч сабр талаб қиласди. Ҳарбий хизматчиларнинг педагогик фаолияти деганда эса биз меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган олий ҳарбий таълим муассасалари талabalарини, курсантларини ўқитиш ва тарбиялашни назарда тутамиз, бу ҳарбий педагогларни яъни профессор-ўқитувчиларнинг субъект сифатида олдига бир қанча вазифаларни қўяди. Шу нуқтаи назардан, профессор-ўқитувчилар субъект сифатида нафақат билим берувчи, балки курсантларни муаммоли фавқулотдаги вазиятларда ҳаракат қилиш, ўз билим ва кўникмаларини амалий фаолиятда “кўллаш” учун имкон қадар тез ва самарали ташкил эта оладиган кучли ходим қилиб шакллантиришдан иборатdir.

Касбий онг эса, хулқ-атворни ва фаолиятнинг тартибга соладиган омиллардан бири бўлиб, у янги касбий ўзини ўзи англашни ривожлантириш зарурати бўйича курсантларни касбий онгини ривожлантириб профессионаллаштириш учун янги талабларни қўйишдан иборатdir.

В.С.Мухина профессор-ўқитувчилар ўзини ўзи англашни асоси сифатида “шахснинг индивидуал мавжудлигини белгилайдиган шахсий ҳатти-ҳаракатлар

тизимини ташкил этувчи қадрият йўналишлари”¹ деб тушунтиришга ҳаракат қиласди.

Г.И.Симонованинг фикрча “инсоннинг касбий ўсиши ва ривожланишининг тизмини ташкил этувчи ва тартибга солувчи омили унинг ўзини ўзи билиши ва ўзига муносабати натижасида, ҳарбий хизматчининг ўзи ҳақидаги ғоялри ва ҳукмларининг барқарор мажмуаси сифатида ҳаракат қиласдиган ўзини ўзи англашдир”².

Касбий онгини шакллантириш ҳарбий хизматчиларнинг ўзини ўзи англашини ривожланиб бориши билан шахс танланган соҳада талаб қилинадиган фазилатлардан хабардор бўлади, шунингдек, ҳарбий хизматчи ўзини профессионал сифатида намоён қиласди.

Баъзи бир адабиётларда касбий ўзини ўзи англаш ҳарбий хизматчининг касбий онгини бир қисми сифатида қаралади. Ушбу ёндашув доирасида касбий онг ўзини ўзи англаш ҳарбий хизматчи касбнинг баъзи бир жиҳатларининг мазмуни билан тавсифланади, бу касбий хусусиятлар билан бир қаторда индивидуал хусусиятларни (физиологик хусусиятлар, жисмоний хусусиятлар), шунингдек “динамик ўзлик” хусусан, шахснинг ақлий ва жисмоний ривожланиш хусусиятларини инобатга олади.

Ҳарбий хизматчиларнинг касбий онг ижтимоий хусусиятга эга. Ҳарбий хизматчи ўзининг ижтимоий мавқенини, шунингдек, ўзи хизмат олиб бораётган муҳитда ўрнатилган Низомлар, қоидалар ва меъёрларга риоя қилиш зарур, бу эса касбий ўзини ўзи англашнинг шаклланшига таъсир қиласди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳити тор маънода - бу олий ҳарбий таълим муассасалардаги муҳити бўлиб, ҳарбий хизмат меъёрлар ва таълим тизимини қоидаларини белгилайди

Психолог А.К.Маркова касбий ўзини англашга қуидагилар таълуқли деб ҳисоблайди, яъни:

- а) ўз касбнинг меъёрлари, қоидалари, моделларини уларнинг фазилатларини англаш стандартлари сифатида билиш;
- б) ҳамкаслари билан ўзини таққослаб, бошқа ҳарбий хизматчиларда ушбу фазилатларни англашга ёрдам бериш;
- в) ҳамкаслар томонидан ўзини профессионал нуқтаи назардан тан олишга шароит яратиш;
- г) ҳарбий хизматларчиларнинг касбий томонларини баҳолаш: ўзини англаш, касбий хулқ-атвори ва ўзини ўзи баҳолаш;

¹ Мухина В.С. Личность: Мифы и Реальность (Альтернативный взгляд. Системный подход. 1999.... 1072 с. 74. Мухина В.С. Феноменология развития и бытия личности: Избр. психол.тр. – М.: МПСИ; Воронеж: МОДЭК, 1999. – 640 с. 75.

² Симонова Г.И. Педагогическое сопровождение социальной адаптации учащихся / Г.И. Симонова. Киров: Изд-во Вят. гос. гуманитар. ун-та, 2005. 317 с. 305.

д) ўзини фаолиятини ижобий баҳолаш, ижобий фазилатларини, истиқболларини аниқлаш, бу ижобий “концепция”нинг шаклланишига олиб келади³.

Ҳарбий хизматчининг касбий онгини ривожлантириш – бу кўп мезонли ва босқичли жараёндир, чунки бу мезонлар профессор-ўқитувчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солади. Профессор ўқитувчилар ҳарбий хизматчиларнинг касбий онгини ривожлантиришда ҳам ташкилотчи, ҳам ижодкор. Ҳарбий хизматчининг касбий онгини ривожланиши ташқи ва ички муҳитнинг таъсири орқали амалга оширилади: ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари эса тўғридан-тўғри ҳарбий хизматчи - ўқитувчини фаолият олиб бораётган ижтимоий муҳитида ривожланади, шахсий хусусиятлар ва ижодий фаолиятини эса ҳарбий хизматчи фаолияти мазмунини тўлдиради. Ҳарбий хизматчиларни касбий онги орқали ўзини ўзи англашини ривожлантиради ва бу консерватив характерга эга эмас, чунки ҳарбий хизматчиларнинг касбий онгини ривожлантириш фаолияти доимий ўзгаришлар ривожланиш жараёни бўлиб, унинг заминида доимо муҳитга мослашиш хизматга садоқат ётади.

Касбий онгни ривожлантириш ҳарбий хизматчилар билан бошлиқ ўртасидаги ва профессор-ўқитувчи маконида содир бўлади, унинг доирасида алоқа ва биргаликдаги фаолият амалга оширилади, бу курсантга биргаликдаги фаолиятни рефлексли таҳлил қилиш ва касбий фаолиятининг янги амалий мазмунини ривожлантиришга имкон беради.

Ҳарбий хизматчиларни касбий онгини ривожлантириш орқали профессионаллаштириш учун касбий ўзини ўзи англаш зарурлигини тушунтириш зарур. Касбий ўзини ўзи англашни ривожлантирадиган курсант ҳарбий хизматчи ва курсантларни жамиятда рақобатбардош қилиб тарбиялади.

Ҳарбий хизматчиларни онги ва ўзини ўзи англашини ўрганиш муаммолари бўйича маҳаллий ва хорижий психолог, педагог олимлар тадқиқотларни таҳлил қилиш ушбу масалаларнинг мураккаблиги ва шу билан бирга долзарблигидан далолат беради. Фаолият назарияси доирасида касбий онгни ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Ушбу тадқиқотлар яни ҳарбий хизматчи шахсини, онгининг умумий ва ижтимоий табиатини очиб беришга қаратилган.

А.Н.Леонтьев ижтимоий онгни ўрганар экан, онгнинг инсон учун зарур бўлган фазилатлари шахснинг ички дунёсининг мазмуни ва динамикасини белгиловчи семантик (йўналиш) тузилмалар эканлигини англатади⁴. А.Н.Леонтьев онг ва шахс фаолияти ўртасидаги таъсир жараёнларининг ўзаро

³ Маркова А. К. Психологические критерии и ступени профессионализма учителя // Педагогика. – 1995. – № 6. 112.

⁴ Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М., 2005. С. 232.

боғлиқлиги ва психологияк динамикасини ўрганган. Психологияк динамика харакатлар, шартлар ва операцияларнинг аниқ мақсадларини мувофиқлаштиради ва мотивга маълум бир муносабатда бўлади, чунки мавзуу муаммони ўрганишда ўз олдига мотиватсион мақсадларни қўяди. Касбий онг тушунчасининг ижтимоий ва психологияк жиҳатлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни диаграммаларда акс эттириш мумкин⁵. Ушбу фикрлар бевосита ҳарбий хизматчилар ва курсантларга ҳам талуқлидир.

А.Н.Леонтьевнинг фикрига кўра, “шахсий маъно атамаси маълум бир мавзунинг ўзига хос шахсий мотивлари билан чекланган тор вазифаларни бажаришга имкон беради”⁶.

В.П.Зинченко эса “шахс онги воқелик, мулоқот ва дунёни идрок этиш тажрибаси мавжуд бўлган маданий борлиқда ривожланади”⁷ дейди.

Ҳарбий хизматчи шахснинг онгининг ривожланишини унинг психологик кўп ўлчовлилиги билан ажralиб туради. А.Н.Леонтьев воқеликнинг аниқ тасвирларининг ҳиссий таркибини ташкил этувчи, аслида идрок этиладиган ёки хотирада якунланадиган, келажакка тааллуқли ёки ҳатто шунчаки пайдо бўладиган онг ҳодисаларининг ҳиссий тўқимасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Касбий онгнинг ҳиссий тасвирларининг вазифаси муаммони очища дунёга ҳақиқатни кўрсатади. Касбий онгнинг ҳиссий мазмуни туфайли дунё субъект фаолиятининг объекти сифатида намоён бўлади.

А.Н.Леонтьев ижтимоий онгнинг уч компонентли тузилишини ҳиссий ҳолатларини ўзгартириб, касбий онг тузилиши қандай таркиб билан тўлдирилганлигини очиб беришга ҳаракат қилган.

Касбий онг – онгни умумий таркибий қисми сифатида умумий салбий маъно ҳосил қилмайди, балки маълум бир касбий фаолият билан боғлиқ бўлган билим соҳасининг концептуал ва категорик тушунчалари, шунингдек, касбий мақсадларни белгилашда намоён бўладиган касбий мотивлар, қизиқишларда мужассамланган маъноларни шакллантиради.

Интеллектуал жараёнлар ҳарбий хизматчи шахснинг профессионал хатти-ҳаракатларига таъсирини белгилайди. Л.В.Копес⁸, Ж.Келли интеллектуал жараёнларни шахс фаолиятининг асосий хусусияти сифатида белгилаган биринчи психологлардан бири эди. Л.В. Копес яратган назариянинг марказий концепцияси - бу шахсий конструкция тушунчаси ва шахсларнинг воқеаларни

⁵ Леонтьев А.Н. «Деятельность. Сознание. Личность». – Москва: Политиздат, 2005. С. 233.

⁶ Ўша манбаа.

⁷ Зинченко, В. П. Продуктивное восприятие / В. П. Зинченко // Вопросы психологии. — 1991. — № 6. — С. 27—42. 145.; Зинченко, В. П. Восприятие и действие [Текст]: автореф. дис. ... д-ра психол. наук / В. П. Зинченко. — М., 2006. С.146.

⁸ Копец, Л. В. Классические эксперименты в психологии / Л. В. Копец. — Киев, 2010. 4. Корнилова, Т. В. Экспериментальная психология : учебник для бакалавров / Т. В. Корнилова. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2016.

қуриш, уларни ўз тажрибалари ва билимлари асосида башорат қилиш ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади. Барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқатни ўзига хос тарзда қурганликлари ва ҳақиқатга тўғридан-тўғри кира олмасликлари сабабли, воқеалар ёки уларнинг талқинлари бўйича барча нуқтаи назар бир хил манони англатмайди. Ҳарбий хизматчилар дунёга ва бир-бирига шахсий конструкциялар тизими ва реал шароитлар Умумҳарбий низомлар орқали боғланган, воқеаларни ҳарбий хизматчилар қандай қабул қилиши кўпроқ аҳамиятга эга.

Ҳарбий хизматчи шахснинг конструктив тизими, Ж. Келли қарашларига кўра, ижтимоий ўзаро таъсиrlарни ўзгартиради ва у конструкцияларни ташкил қилишни иерархик тизим сифатида тавсифлайди, унга бир қатор омиллар бўйсунади (супердоминант) ва бошқалар тизимнинг айrim қисмларига бўйсунади (субдоминант). Ж. Келли шахсий тузилма таъсири остида ўзини ва бошқа шахслар фойдаланади дейди.

Олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчисининг касбий тузилиши профессор-ўқитувчи касбий фаолият ва ижтимоий ҳаётдаги тажрибасини англаш ёки талқин қилиш, тушунтириш учун фойдаланадиган ғоя ёки фикр бўлиши мумкин. Ҳарбий хизматчи шахси ўз дунёсини ўзи яратган концептуал тизимлар маъносида тушунлади ва кейин ўз фаолиятининг объектив ҳақиқатига мослашишга ҳаракат қиласди.

Умумий ва ҳарбий профессионал онг доимий ривожланишда бўлади. Онг тоифаларини ўрганишда, В.Ф.Петренко⁹ уларни маъноларининг (тушунчаларнинг) умумий маънода тушунади ва улар билимларнинг ажralmas қисмига айланди.

Хулоса ҳарбий хизматчининг “касбий онг” тушунчасига нималар таълуқли? Биринчидан, бу ички бурчнинг бир тури сифатида профессионал бурчdir. Касбий бурч – бу ҳарбий хизматчилар томонидан ўз касбининг жамоат ҳаётидаги ўрни ва ролига мувофиқ ҳарбий хизматчилар ихтиёрий равишда ўз зиммаларига оладиган жамият олдидағи бурчлари тўғрисида ишлаб чиқилган ғоя. Кўриниб турибдики, ҳарбий хизматчиларнинг ўзига юкланган вазифаларни бажариш бурчий масала, лекин кўпчилик учун юкланган вазифалар ҳарбий соҳада мажбурий ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мухина В.С. Личность: Миры и Реальность (Альтернативный взгляд. Системный подход. 1999.... 1072 с. 74.

⁹ В.Ф.Петренко. Психосемантика сознания. — М.: Политиздат, 1988. – с. 232.

2. Симонова Г.И. Педагогическое сопровождение социальной адаптации учащихся / Г.И. Симонова. Киров: Изд-во Вят. гос. гуманитар. ун-та, 2005. 317 с. 305.
3. Маркова А. К. Психологические критерии и ступени профессионализма учителя // Педагогика. – 1995. – № 6. 112.
4. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М., 2005. С. 232.
5. Леонтьев А.Н. «Деятельность. Сознание. Личность». – Москва: Политиздат, 2005. С. 233.
6. Зинченко, В. П. Продуктивное восприятие / В. П. Зинченко // Вопросы психологии. — 1991. — № 6. — С. 27—42. 145.;
7. Копец, Л. В. Классические эксперименты в психологии / Л. В. Копец. — Киев, 2010. 4.
8. Корнилова, Т. В. Экспериментальная психология : учебник для бакалавров / Т. В. Корнилова. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2016.
9. Петренко В.Ф. Психосемантика сознания. — М.: Политиздатъ, 1988. – с. 232.